# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2003 YIL 3 APREL, PAYSHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№45 (6.570). Sotuvda erkin narhda


## БУГУНГИ СОНДА


ҚОНУНБУЗАР ТАДБИРКОРЛАР (1-2-саҳифаларда)

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ ЭРТАСИ ПОРЛОҚ (4-саҳифада)

БЎЙРУҚБОЗЛИКНИНГ УМРИ ТУГАДИ (1-3-саҳифаларда)


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

### ФАРМОНИ

# 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

**Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:**

1. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,20 баравар оширилсин.

2. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 5440 сўм;

ёшга доир пенсиялар - ойига 10765 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд -ойига 5440 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 10765 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 6520 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2003 йил 1 майдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йилнинг 1 январидан бошлаб даромад (фойда)дан олинадиган солиқ 24 фоиздан 20 фоизга, давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий ажратмалар меҳнат ҳақи фондининг 40 фоизидан 37,2 фоизига камайтирилганлиги муносабати билан бўшайдиган маблағларни мана шу мақсадларга йўналтириш ҳисобидан 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 апрель



**Пайариқ туманидаги "Челак" МТП ҳиссадорлик жамияти комбайнчиси Улуғбек Шамиев ўтган йили 760 гектар майдоннинг ғалласини ўрганди. Бу йил унинг ниятлари ундан-да юксак. Комбайнчи мазкур мавсумда 1000 гектар майдоннинг ғалласини ўрмоқчи. Унинг аҳди қатъий эканлигини ўзига бириктирилган комбайнни биринчилар қаторида созлаб қўйганлигидан ҳам билса бўлади.**

**СУРАТДА: Улуғбек Шамиев.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Бадиий академиясининг таклифига биноан Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 14-19 май кунлари Бойсунда анъанавий «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивалини ўтказиш тўғрисида фармойиш қабул қилди.**

**● Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Бош Вазир ўринбосари, мазкур комиссия раисис Н.Юсупов олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.**

**● «Прагма» копорацияси матбуот хизматининг берган хабарига кўра, Андижонда божхона қонунчилиги ва чегара тадбирларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Interfood Uzdekistan-2003» учинчи халқаро кўргазмаси очилди.**

**● Республика давлат санитария-эпидемиология назорат марказида АҚШдаги касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш бўйича марказлари - CDCнинг Тошкентдаги ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Тошкентда Хитойнинг «Huawei Technologies» компаниясининг замонавий рақамли ускуналари билан жиҳозланган 112, 134 ва 135 рақамлари билан бошланувчи янги электрон автоматик телефон станциясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Фарғонада «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда Обод маҳалла йили муносабати билан вилоят ижодкорлари ўртасида «Маҳаллам - фахрим» кўрик-танловини эълон қилди.**

**● Қува туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб ғўза ниҳолларига ишлов беришга киришди.**

# ҒАМХЎРЛИК ҒАЙРАТНИ ОШИРМОҚДА

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

***Маълумки, 2002 йилнинг 11 июнида Президентимизнинг "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди.***

Унда кўрсатилганидек, ўтган йилнинг 1 июлидан 2005 йилнинг 1 январига қадар мазкур ҳудудларда рўйхатга олиниб, фаолият кўрсатаётган кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил қилинган корхоналар солиқ солиш тизимидан қатъий назар, амалдаги ставкаларга нисбатан 50 фоиз камайтирилган ҳолда солиқ тўлашлари кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатган ғамхўрликларига жавобан бу борада воҳада қандай ишлар амалга оширилди, фармонда кўрсатилган имтиёзлар соҳа ривожига қай даражада таъсир кўрсатаётир.

Биз юқоридаги саволлар билан Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Нурали Чўлиевга мурожаат қилдик:

-Ҳақиқатан ҳам Юртбошимизнинг мазкур Фармони марказдан анча олисда жойлашган, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудда яшаб, қаторасига икки йил сув тақчиллигини бошдан кечирган вилоят аҳли учун катта ғамхўрлик намунаси бўлди, дейиш мумкин. Кези келганда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, солиқ тизимида кўрсатилган енгилликлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман. Ишлаб чиқаришнинг бу тури йилдан-йилга ривожланиб, иқтисодиётда салмоқли ўрин эгаллаб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. 2002 йил 1 январ ҳолатига кўра вилоятимизда 10008 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинган бўлиб, шу кунгача бу рақам 12460 тага етди. Яъни бир йил ичида 24,5 фоиз ўсиш қайд этилган. Шулардан 3379 таси микрофирмалар, 1554 таси кичик корхоналар, 4842 таси эса фермер хўжаликларидир.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, уларни солиққа тортиш усулининг соддалаштирилиши ва бу борада кўплаб имтиёзлар берилаётгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Биргина мисол: 2002 йилда ўрта ва кичик бизнес субъектларига Солиқ Кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан, 213435 минг сўм миқдорида енгилликлар берилди. Жумладан, фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил муддатга ягона ер солиғидан озод қилинганлиги қишлоқларда хусусий мулкчиликнинг майдонга келиши ва ривожланишида муҳим омил бўлаяпти. Ўтган йилнинг ўзида 2044 та фермер хўжалиги ўз ихтиёридаги 20761 гектар ер майдони учун белгиланган 71177,0 минг сўмлик ягона ер солиғидан озод қилинганлиги ҳукуматимизнинг фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган беқиёс ёрдами намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида айтиб ўтилган Фармонига асосан вилоятдаги 2809 та кичик ишлаб чиқариш корхоналарига солиқ тўлаш борасида 110,4 миллион сўмлик имтиёз берилди. Бу кўзда тутилганидек, ишлаб чиқаришни жонлантиришда катта аҳамият касб этяпти. Масалан, Урганч шаҳридаги Қадамбой Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган "Қутлуғ қадам" ишлаб чиқариш корхонасида 11 нафар киши фаолият кўрсатиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаради. 2002 йилнинг биринчи ярмида корхона томонидан 3139,6 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 10 фоизлик ставкада 314,0 минг сўмлик ягона солиқ ҳисобланган бўлса, фармондан кейинги олти ой давомида 42625,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Солиқ бўйича берилган имтиёзга асосан, яъни 5 фоизлик ставкада 2131,3 минг сўмлик ягона солиқ ҳисобланган. Кўриниб турибдики, кейинги ярим йилликда ишлаб чиқариш ҳажми 13,6 баробарга, солиқ миқдори эса имтиёзли қўлланилса-да, 6,8 баробарга ортган.

Шунингдек, Баҳодир Абдуллаев бошчилигидаги "Ширин" очиқ акционерлик жамиятида 2002 йилнинг биринчи ярмида 271554,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 879,0 минг сўм солиқ ҳисобланган бўлса, иккинчи ярим йилликда маҳсулотлар ҳажми авалгига нисбатан 26,4 фоизга ошган. Фойда солиғи 1,2 баробарга кўпайган. Ҳазорасп туманидаги Дармон Жумабоева раҳбарлик қилаётган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган "Меҳринисо" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси аъзолари ҳам юртбошимиз яратган имтиёзлардан руҳланиб унумли меҳнат қилаётган жамоалардан саналади. Улар 2002 йил иккинчи ярмида 177693,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганлар. Амалдаги 10 фоизлик солиқ ставкасининг 50 фоизи, яъни 5 фоизлик солиқ ставкаси бўйича 7890,9 минг сўм ягона солиқ солинган. Демак, шунча миқдорда имтиёз ҳам берилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2,6 баробарга ошган. Воҳа тадбиркорлари учун Юртбошимиз томонидан кўрсатилган ғамхўрлик жамият учун ҳам, одамлар учун ҳам катта фойда келтирмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, воҳамизда турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштириб, уни тезкорлик билан ишга туширишга қийналаётган ёки маблағи етишмаётган тадбиркорларимиз ҳам йўқ эмас. Шунинг учун вилоятимиздан ташқаридаги сармоядорлар воҳамиз ишбилармонлари билан қўшма ёки кичик корхоналар барпо қилсалар, ўзлари учун ҳам, мамлакатимиз ривожи учун ҳам фойдадан холи бўлмасди.

**Суҳбатдош: Холмурод ҚУРБОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

---

**МУНОСАБАТ**

# ДЕҲҚОНГА ЭРКИНЛИК, РАҲБАРГА МАСЪУЛИЯТ

***Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз ҳаётида катта ижтимоий ўзгаришлар ясашига шубҳа йўқ.***

Чунки Ўзбекистоннинг иқтисоди, эртанги куни аҳолининг асосий қисми банд бўлган қишлоқ хўжалиги тизимидаги аҳвол билан бевосита узвий боғлиқ. Деҳқонга эркинлик бериш устуворлиги, унинг ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиши, шартномага асосланган эркин иқтисодий муносабатлар, бошқарувдаги туб ўзгаришлар мазкур Фармонда ўз аксини топган. Шу боис Фармон кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Газетамизнинг ўтган сонларида мутахассислар, фермер ва деҳқонларнинг бу борадаги фикрларини чоп этган эдик. Бу галги давра суҳбатида эса мутахассислар ва соҳа вакиллари мазкур Фармоннинг ҳаётимиздаги ўрни ва уни амалиётга жорий этиш бўйича таклиф ва мулоҳазаларини баён этишди.

(Давоми 3-бетда)

**ТААССУФ**

# ВИЖДОННИ НАФСГА АЛМАШТИРГАНЛАР

***Мамлакатимизда тадбиркор ниқоби остида фаолият юритаётган баъзи кимсалар фаолиятига чек қўйиш, иқтисодиётни, хусусан мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорни турли хил сифатсиз чет эл маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг ғайриқонуний ҳаракатларини тартибга солиш мақсадида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.***

"Жисмоний шахслар томонидан Республика ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 154-сонли, "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-қарори ва "Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги 407-сонли қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ана шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда)

**СУВ – БУ ҲАЁТ**

# ОРОЛ ДАРДИ – ОЛАМ ДАРДИ

**БУ МУАММО ЕЧИМИ КУЧЛАРНИ ЖАМЛАБ, ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.**

***Соҳилини йўқотиб, қуриб бораётган бутун бошли денгизни сақлаб қолиш ҳақида, чорак асрдирки, кўп гапирилаяпти. Аммо Орол қуриши билан боғлиқ юз берадиган асоратлар ҳали ҳам жаҳон ҳамжамиятига етарли даражада етиб боргани йўқ.***

Собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши натижасида Орол денгизи билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш Марказий Осиё давлатлари зиммасига тушди. Президент И.Каримовнинг изчил саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари натижасида Орол денгизи ҳавзасида жойлашган беш давлат раҳбарлари 1993 йил 26 мартда Қизил Ўрда шаҳрига йиғилишиб, Орол денгизи ва Оролбўйи, Орол ҳавзасида экологик соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш масалаларини муҳокама қилишди.

(Давоми 2-бетда)

**ТУРМУШ**

# "Ё, ЖАМШИД..."

***Иккинчи курсга ўтди-ю, Шарофнинг ўқиши, хатти-ҳаракатлари ўзгариб қолди. Хоҳласа ўқишга келади, хоҳламаса йўқ. Ибрат олса бўладиган ҳаракатлари йўқолган, хуллас, илгариги Шароф эмас эди у.***

Фарзандидаги ўзгаришларни сезган ота-она уни кўп марта тартибли бўлишга чақиришди. Лекин, Шароф ўз билганидан қолмади. У ўзига янги "ошна-оғайни"лар топиб олган, улар билан кун бўйи, баъзида кечаси билан йўқолиб кетарди. Шароф дунёнинг жамики лаззатини, ёшлик орзу-ҳавасларини кайф-сафода, доимий улфатчиликда деб ўйларди.

Кунларнинг бирида бир оғайниси "қуюқ" ўтириш борлиги ҳақида гап очиб қолди ва Шарофни ҳам у ерга таклиф қилди. Табиийки, Шароф иккиланиб ўтирмади. Хуллас, улфатлар зиёфатга йўл олишди. Одатдагидек, ўйин-кулгу, қадаҳлар жаранги... Ҳамма ўзича хурсанд, лекин ниманидир сезгандай Шарофнинг юраги ғаш торта бошлади. Шу пайт ошнаси уни бир четдаги карта ташлаётган йигитлар даврасига тортди. Шарофни зимдан кузатиб турган қиморбозлардан бири сўз қотди:

(Давоми 4-бетда)

**ҚИССАДАН ПАРЧА**

**Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# ЎЗБАК БОБО

I

***Амирқул полвон боғчасида кезиб, ҳар дарахтнинг-кўчатнинг қошида бир тўхтаб ва уни кўздан кечириб, айрим қуриган шохлари ва бачкиларини шарт-шурт синдириб-юлиб ташлаб ҳамда пиндикларнинг кўринишидан қачон гуллашни тахмин қилиб юрарди.***



Боғча чоққина, атрофлари пахсадевор билан ўралган, дарвоза томонда оғилхона-сомонхона ва яна бир хона жойлашган, айримининг эшиги йўқ эса-да, кундуз куниям ичкари қорайиб туради. Ҳовли-боғнинг сўл томони - тўрида узун пешайвонли иморат боққа қараб тушган ва унда ҳам қаровсизлик касри яққол сезилиб туради. Пешайвон супасининг лаблари аллақачон уваланиб-емирилиб кетган. Бўғотлардаги қуш инларидан хас-хашак осилиб ётади ва тарновлар кўринмайди. Айвон супаси ҳам захлаб қандайдир майсалар кўкарган. Бурчакдаги бир ўрам бўйра алланечук қорайиб кетган ва унинг биқинида уюм-уюм хўл тупроқ тўдалари кўзга ташланадики, демак, бу уюмлар - сичқоннинг иши.

(Давоми 4-бетда)

**ҲИКМАТ**

*Мени мен*
*истаган ўз*
*суҳбатиға*
*аржуманд*
*этмас,*
*Мени истар*
*кишининг*
*суҳбатин*
*кўнглим*
*писанд*
*этмас.*

Алишер НАВОИЙ


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ОЁҚ ТИРАЁТГАН КИМ?

БИРИСИ БОЗОР, БОШҚАСИ ОЗОР

ХОТИНЛАР НИМА ДЕЙДИ?




## БИР БЎСАНИНГ БАҲОСИ

***Ҳар гал Наврўзда Маткаримнинг хонадонида биронта қувончли кун, тўй-маърака бўлиб ўтади. Бу гал ўғли Баҳодиржонни уйлантирмоқчи экан. Таклифномага тикилиб, ўтган йили бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушди. Ўшанда унинг иккинчи келин тушириши эди. Тўкин дастурхон. Ажойиб куй-қўшиқлар. Бир маҳал "Тўйшунос" деб ном олган куйди-пишди Отамурод элаткўм микрофонни қўлига олиб эълон қилди:***

-Ҳурматли меҳмонлар, ёр-дўстлар! Элатимизда уй эгалари, меҳмонлар ҳам рақкосага пул тутишмайди. Агар тўёнангиз бўлса марҳамат, ҳу анави қутичага ташлайсиз. Саховат, ҳимматингизга яхши кунларда, албатта, қайтади.

Тўй давом этди. Бу янгиликдан хабардор бўлганлар қутича ёнига бориб келдилар. Соз суҳбат қизиди. Хонанда йигит шўх-шўх қўшиқларни бир-бирига улайверди. Рақкосанинг ҳиромини кўрсангиз! Ана ноз-ишва, ана қадди-қомат! Ёнимда ўтирган йигит чидай олмади. Рақкосани секин имлаб ёнига чақирди.

-Зўр экансиз. Раҳмат сизга. Мана шу бир пачка юзталикни тутқазиб юбораман. Фақат битта бўса...

-Жинни бўлдингизми? Шу ерда-я? Ахир пул тутқазиш ман қилинган, - деди рақкоса ажабланиб.

-Э, қўрқманг ўзим келишаман.

Қиз нозлана-нозлана айланиб учиб хонанда йигитнинг қулоғига бир нималар деди. У ҳам бош тебратиб маъқуллагандай бўлди. Сўнг рақкоса яна ёнимдаги йигит қошига келди. Энгашди. Лаблар бир лаҳза, фақат бир лаҳзагина бир-бирига чаплашди, "чўлп-чўлп". Қиз ўн минг сўмни чаққонлик билан илди-да, хонанда йигитнинг чўнтагига тиқиб, ўйинни давом эттирди. Шу пайт ўн уч яшар бола рақкосага пул берган йигитнинг қўлидан тортди.

-Дада, юринг, ойим чақиряптилар. Бир халта ун олиб бориб, кейин келар экансиз. Уйда нон қолмабди.

Ширакайф шеригим зумда хушёр тортди. "Оббо, бу ёғи қандоқ бўлди? Нонга деган пулни, бола-чақанинг ризқини бир лаҳзада бир бўсага алмашиб юборибман-а. Шохим чиқдими? Оҳ ўлдим, тамом бўлдим!"

Отамурод элаткўмнинг гапи баттар ичини ёндирди, изза, хуноб қилди: "Тартибни буздингиз! Сизни бошқа тўйга айтмаймиз".

...Қўлимда таклифнома. Маткарим яна тўй бошлабди. Наврўз куни катта базм. Ўйладим, бу гал қанақа ҳангомалар бўлар экан? Ишқилиб тўй яхши ўтсин-да.

**Абдулла САФОЕВ,**
**Хива шаҳри.**

## "ШАРТЛИ РЕФЛЕКС"НИНГ СИРИ

***Муродилла дўстимизни кўрса маҳалланинг энг қопоғон ити Олапар ҳам думини ликиллатиб, эркаланади. Қизиғи, Олапар Муродилла йўталса, олдига югуриб боради. Муродилла эса яна мақтанади:***

-Ҳар қандай йиртқич ҳайвон менга ҳамла қилмайди, ювош тортиб қолади. Чунки мен "дуо"сини биламан ва ўшани ўқийман.

-Қанақа дуо, бизга ҳам ўргат, - дея сўрасангиз, унинг жавоби қатъий:

-Бу сир, ҳеч кимга айтилмайди. Бўлмаса, дуонинг кучи йўқолади.

Яқинда эса ўша сир фош бўлди. Қандай қилиб дейсизми? Жуда оддий тарзда.

Муродилла аллақаердан янги туғилган уч-тўрт кунлик семиз, жажжигина кучукчани асраб олиш учун уйига олиб келганди. Катта-кичик кўпчиликнинг ҳавасини келтирган шу кучукча сирни очиб қўйди.

Байрам куни бўлгани боис уйда дам олаётгандим. Тўсатдан Муродилланинг ҳовлисидан хотинининг шанғиллагани эшитилди:

-Вой, шўрим! Итимизга кимдир дори берибди.

Қишлоқчилик. Шовқинни эшитиб, уч-тўрт нафар қўшни билан Муродилланикига югурдик. Не кўз билан кўрайликки, кучукваччанинг кўзлари олайиб кетган, у дам-бадам ўрнидан туриб, тўрт-беш қадам лапанглаб юргач, йиқилиб тушар ва ғингширди. Муродилланинг хотини эса дий-диёсини тўхтатмасди.

-Қўлинг сингур, лаҳадда чиригур, қайсидир нокас овқатга қўшиб итимизга дори берганга ўхшайди. Ҳа, илоё...

Шу пайт аллақаердан югуриб келган Муродилланинг ўғли Зафар онасининг гапини бўлди.

-Ая, дадам боя байрамдан маст бўлиб келиб, уйга кириб ётиб қолди. Ухлашидан олдин кўнглим айнияпти, дегач ўрнидан тура олмагани учун кир ювадиган тоғорани олиб бордим. Кейин қайт қилдилар. Уни ҳовлига чиқарсам, қоравой еб қўйди.

Гурра кулгу кўтарилди. Муродилланинг сири фош бўлди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Самарқанд.**

## "ЗЎР" ПОЙЛОҚЧИ

***Дўстимиз тарвузларини ўғирлаб кетишаётганию, чекининг бошига капа тикиб тунда пойлоқчилик қилаётганидан шикоят қилиб қолди.***

Ўша куни бир ўртоғимиз ош берди. Бироз "қиттак-қиттак" бўлгач, аскияга уста уй эгасининг қулфи дили очилиб кетди.

-Олинглар, бу "зўр" пойлоқчининг тарвузидан. Кеча тунда "шимо" қилдим, иккита олиб келдим, - деди у кулиб.

-"Зўр пойлоқчи", деб фалончини айтяпсан-а, соат 10 га кетяпти-ку, келмайди. Эҳтимол томорқасидадир-а, - сўрадик биз.

-Ҳали кетаётганди, "сув қўяман, иложи бўлса бостирвораман. Ўғирликка кирган одам ботиб қолади" деб, - жавоб берди уй эгаси.

-Ҳадеб сув қўявераркан-да, "деҳқон бола", хаёлида бодринг эккан шекилли, - дейишди йигитлар.

-Қизиғи тарвуз ўмаргани борганимда бўлди, - дея гап бошлади мезбон, - Вей, бу ҳақиқатанам "зўр" пойлоқчи экан-у... Капасига борсам ичидан мусиқа овози эшитиляпти. "Деҳқон бола" "Водий садоси"ни ваданг қўйиб, хурракни отиб ухлаяптилар. Чекини айланиб иккита катта тарвуздан олдим-у, қуённи сурдим.

Шу пайт "деҳқон бола"нинг ўзи келиб қолди. У ҳаммамиз билан сўрашиб бўлгач, уй эгаси:

-Қани ол, тарвуздан катта-катта егин, жуда ширин экан, - деб бизга кўзини қисиб қўйди.

У тарвуздан оларкан, биз "тарвузинг қалай?" деб сўрадик.

-Бўлмади, саккизта пишганини уч кун бурун кундузи узиб кетишганди. Кеча иккита каттасиниям "силжитиб" кетишибди, - пешонасини тириштирди у.

-Сеникини мазаси, қизиллиги қандай, ҳозир еганингдақами? – деди уй эгаси.

-Шунча пойлаб ўзим еб кўрмабман, аммо мазаси ширинроқ, ранги ҳам қизилроқ бўлса керак. Ўзи мен зўр пойлоқчиманда, - деди "деҳқон бола" тарвуздан ҳам баттар қип-қизариб.

Бу афандинамо гапга ҳамма ҳо-ҳолаб юборди.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ,**
**Фарғона.**

# ОРОЛ ДАРДИ - ОЛАМ ДАРДИ

**(Боши 1-бетда)**

Унга бинобан ҳавзада жойлашган давлатлар сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, дарё, кўллар ва ер ости сув сифатини яхшилаш, сақлаш, денгизнинг ҳажмини табиий объект сифатида тутиб қолиш учун етарли миқдорда сув захираларини оқизиш, ҳавзада, биринчи галда Амударё ва Сирдарёларнинг пастки қуйилишида мувозанати бузилган экотизимни қайта тиклаш, сув захираларидан фойдаланишни тартибга келтириш бўйича давлатлараро умумий ҳаракатланувчи ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, аҳолининг санитария-гигиеник ва тиббий-биологик яшаш шароитларини яхшилаш ва бошқа қатор масалалар галдаги вазифа деб таъкидланди.

Шунингдек, 1994 йил 11 январда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Нукусдаги учрашувида яқин 3-5 йил ичида Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳволни яхшилаш юзасидан ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилган эди.

-Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида қурғоқчилик, ерларнинг шўрланиши маҳаллий иқлимнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлиб, Орол денгизи ҳавзасида экологик тизимнинг бузилишига олиб келмоқда. Энг хавфлиси, бунинг оқибатида денгизнинг қуриган қисмидан чанг-тўзонлар аралаш ҳавога кўтарилаётган зарарли тузлар тарқалаётган майдонлар тобора кенгаймоқда. Сув захираларининг ҳаддан ташқари буғланиши, ёғингарчиликнинг камайиши, нафақат Орол денгизининг қуришига олиб келади, балки Каспий ва Азов денгизлари, Балхаш кўли, айниқса, Орол ҳавзасини сув билан таъминлаётган дарёлар оқимини ўзгартириб юборади.

-Ер ости сувларининг пасайиши, ҳажми озайиши ҳамда сифати ёмонлашуви дарё орқали оқиб келган лойқа қолдиқларидан қумликлар ва дарёларнинг қуйи қисмида қайирлар пайдо бўлиб, шўрхок ерларнинг кўпайиши ва саҳроларга айланишини тезлаштирди.

Орол денгизи ҳавзасида шаклланган ўсимлик дунёси бузилиб, ўрнига баъзи майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари экилди. Деҳқончиликда узлуксиз олиб бориладиган агротехник тадбирлар, маъданли ўғитлар ва кимёвий ўғитларнинг қолдиқлари оқибатида бу майдонлардаги тупроқнинг физик-кимёвий хусусиятлари бузилди. Устига-устак деҳқончилик учун ҳаддан ташқари кўп сув сарфлаш, йирик сув омборларининг қурилиши ҳавзада сувнинг буғланишини, дарёларда эса сув оқими режимини ўзгартириб юборди.

Орол денгизининг қуриши ҳавза атмосфераси айланиши ва унинг намлилиги ўзгаришига, бу ўз навбатида минтақада иссиқлик мувозанатининг бузилишига олиб келди. Бу факторлар келгусида ҳавза ва унга яқин бир неча давлатлар ҳудудида катта майдонларни эгаллайдиган янги саҳролар пайдо бўлади демакдир.

Бу жараёнларнинг олдини олиш, бузилган экологик мувозанатни қисман қайта тиклаш, аҳолининг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаш учун биринчи галда қуйидаги чора-тадбирларни, амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Орол денгизи фожиаси асосан суғорма деҳқончилик майдонларини чўл ва партов ерлар ҳисобидан кенгайиши, табиат мувозанатининг бузилишига олиб келадиган даражада сув захираларини ортиқча сарфлаш оқибатида бўлганлигини эътиборга олиб, ҳавзада барча экин майдонлари мелиоратив ва суғориш тизимининг замонавий фан-техника ютуқларини қўллаган ҳолда босқичма-босқич қайта қуриш лозим.

Экинзорларни қайта реконструкциялашда хўжалик ҳамда хўжаликлараро тупроқдан қазилган каналларидан фойдаланишга чек қўйиш керак. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, талаб даражасида текислаш, деҳқончилик тизимини ҳавзадаги ҳар бир давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, сув захираларининг мавжуд миқдори билан уйғунлашган, сувдан фойдаланиш ва сарфлашнинг илғор усуллари ва дунёвий саналган меъёрларини қўллаган ҳолда қайта кўриб чиқиш, унга қатъий амал қилиш талаб этилади. Бунда кўп мақсадли сув пуркагич машиналарини, томчилаб, импульсив, гипропон ва илдиздан суғориш каби тежамкор бўлган барча фойдали усулларни амалга ошириш зарур. Бу борада қурилиш материаллари, полимер, енгил темир-бетон буюмлари, самарали техника воситалари, насос ва сув пуркагич ускуналарини қўллаш керак. Мазкур тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ қилинмагунча, Орол ҳавзасида аҳоли ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш хаёлий гап бўлиб қолаверади.

Магистрал каналлардан сув захиралари мақсадсиз исроф бўлишининг олдини олиш муҳим вазифадир. Масалан, Қорақум канали секундига 600, Қарши ва "Аму-Бухоро" каналлари 300 дан, дарёнинг қуйи қисмидаги каналлар 1200 кубометргача сув олиб, бу об-ҳаётнинг 20-30 фоизи зое кетади. Бундан эса фақат суғориш даврида ортиқча исроф бўладиган сув захиралари 6-8 кубометрни ташкил этади.

Ҳавзада сув захиралари бекор сарфланишининг яна бир сабаби деҳқончилик учун яроқсиз, кучли шўрланган, чўл ва саҳро зоналаридан ерларни кўплаб ўзлаштириш бўлди. Азалдан шўрхок Мирзачўл далалари, Арнасой атрофларида Чордара сув омборининг шарқидаги ерларни, Чаригил, Қорақалпоқ далалари, Когон ва Бухоро воҳасидаги умумий майдони 300 минг гектарлик ерлар деҳқончилик учун ўзлаштирилгани фикримизнинг далилидир. Одатда бундай ерларнинг ҳосилдорлиги эски деҳқончилик майдонларидан 4-5 марта кам, пахта учун эса гектарига 15 минг кубометр сув сарфланади. Хулоса қилиб айтганда, юқорида эслатилган шўрхок, зах, чўл ва саҳро ҳисобидан ўзлаштирилган ерлар эски экин майдонларига нисбатан йилига ортиқча 5 кубокилометргача сув талаб қилади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун кам ҳосилли, сувни кўп талаб этадиган, фойдаси зараридан ортиқроқ ерлар сарф қилинаётган сув захираларини бошқа мақсадларга сарфлаб, ортганини Орол денгизига оқизиш зарур.

Магистрал каналлар ва дарё бўйларида жойлашган сув омборлари атрофларига тикка тушган дренаж тизимларини қуриб, йиғилган сувлардан деҳқончилик учун фойдаланиш зарур. Кўп миқдорда сақланаётган коллектор-дренаж сувларини, шундан Арнасой кўлидаги сувларни Орол денгизига оқизганда, денгизни маълум даражада қайта тиклаш, экологик вазиятни соғломлаштириш масалалари ижобий ҳал этилган бўларди. Бундан кейин дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимида сув омборларини қуришни чеклаш лозим. Каналларга сув олишни тўғонсиз сув омборларини такомиллашган турлари – сув тиндиргичсиз, лой ташландиқларини дарёга қайта ҳайдайдиган қийшиқ чизиқли сув ташлагич арналар қуриш йўли билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки тиниқ сув кўламининг ерга солиш ва буғланиш даражаси оқар сувга нисбатан юқори бўлади.

Сувни эҳтиётлаб, самарали ишлатишнинг фойдали усули - ҳавзадаги барча давлатлар, сувдан фойдаланувчилар учун бир хил ҳаракатланадиган, ҳисобини аниқ олиш мумкин бўлган, сувдан фойдаланишнинг ўзаро келишилган тўловли, яъни сув сотишнинг пухта тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Олдинлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари томонидан ғоят зарурлиги бир неча бора тан олинган Орол ҳавзасида сув захираларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни асраш чораларини бошқаришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш, бу юмушларни тартибга соладиган ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлаш ва ҳаракатга келтириш керак. Бу йўналишда ҳозир халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг GEF агентлиги, Марказий Осиё давлатлари ва бир неча халқаро ташкилотлар иштирокида тайёрланаётган "Орол денгизи ҳавзасида сув захираларини ва атроф-муҳитни бошқариш" лойиҳасини тайёрлашни охирига етказиш, унинг якунловчи тамойиллари асосида бу масала бўйича ўзаро келишувга келиш, унинг шартларини бажариш, назорат қилишнинг самарали механизмларини ҳаракатга келтириш талаб этилади.

Шу ўринда ўлкамизнинг экологик муаммоларини ечишда бу лойиҳанинг аҳамияти хусусида тўхталиш лозим бўлади. Юқорида эслатилганидек, ҳавзадаги дарёлар сувларини қишлоқ хўжалиги зарурати учун ортиқча фойдаланишдан: а) тупроқ ва дарё сувларининг шўрланиши; б) денгизнинг босқичма-босқич қуриши оқибатида ижтимоий-иқтисодий, экологик офатнинг пайдо бўлиши; в) сув захираларини фойдаланишни бошқариш муносабати билан Орол ҳавзасида фаровонликка путур етиши; г) қайта тиклаш, ўнглаш, фойдаланиш ишларига эътиборнинг сусайишидан, давлатлараро сув омборлари ва миллий сув хўжалиги инфратузилмаси аҳволининг пасайиши юзага келади.

Бу масалаларни ечиш учун бир неча йўналишларда тадқиқот ишлари юритилмоқда. Агар барча режалар вақтида амалга оширилса, бу лойиҳа 2003 йил тайёр бўлиб, ундан сўнгги ҳаракатлар 2004-2006 йиллар мобайнида поёнига етади. Бунинг учун, албатта, кучларни жамлаб, якдиллик билан ҳаракат қилиш даркор.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Орол денгизи қуриши – олам дардига айлангани ҳақ гап. Демак, экологик офатнинг олдини олиш, катта ҳудудни эгаллаган ҳавзада истиқомат қилувчи аҳолининг нормал яшашлари, меҳнат қилишлари учун қайғуриш - ҳар бир замондошимизнинг виждоний юмушига айланмоғи даркор. Шундай экан, барча даражадаги давлат ва хўжалик бошқаруви тизимлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, тарбия, оммавий ахборот воситалари ходимлари Орол денгизи ҳавзасида юзага келган мураккаб вазиятни юмшатишда қатнашиши ғоят муҳимдир.

Табиатга, табиий бойликларга, ундан фойдаланиш, муҳофаза қилиш ва соғломлаштиришга ҳар бир инсон кўз қарашини ўзгартириши жуда-жуда зарур. Чунки, бутун бошли денгизни бой бериб қўйган бизларни келгуси авлодлар асло кечирмайди.

**Уббиниёз АШИРБЕКОВ,**
**Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитаси Нукус филиали директори.**

# ВИЖДОННИ НАФСГА АЛМАШТИРГАНЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Бугунги кунда мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ички истеъмол бозорини сифатли ва маҳаллий озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдириш борасида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамай ҳамон республикамиз ҳудудига ғайриқонуний йўллар билан товарларнинг кириб келиши кузатилмоқда.

Яқинда бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида Тошкент халқа йўлида жойлашган "Улуғбек Рамиз" хусусий фирмасига қарашли омборларнинг бирида республикамиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан Афғонистон ва Эрон республикалари фуқаролари томонидан олиб кирилган юклар сақланаётганлиги аниқланди. Бу хорижий фуқаролар айрим юртдошларимиз номига хусусий тадбиркорлик гувоҳномалари расмийлаштириб, импорт маҳсулотларни улар орқали сотиб, ўзлари ушбу маҳсулотларнинг сотиб олинишини молиялаштирганлар. Савдодан тушган нақд пулларни "қора бозор"ларда валютага айлантириб, республикамиздан ташқарига олиб кетиш билан шуғулланганлар. Ана шундай чет эл фуқаролари "Улуғбек Рамиз" хусусий фирмаси таъсисчиси Ҳамидулла Қосимов билан жиноий тил бириктиришиб, фирмага қарашли бўлган омборхоналарда катта миқдорда тегишли ҳужжатларсиз мунтазам равишда импорт маҳсулотларни сақлаб, сотиб келишган.

Омборхона текширилганда, ҳеч бир ҳужжатга эга бўлмаган С.Хўжаевага тегишли 72 млн. 326,4 сўмлик, Ш.Ҳамроевага тегишли 50 млн. 591 минг сўмлик, К.Раҳматовга тегишли 52 млн. 792 минг сўмлик, А.Тўйчиевга тегишли 6 млн. 16 минг сўмлик, М.Каттахўжаевга тегишли 125 млн. 922 минг сўмлик, жами 307 млн. 648 минг 570 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Юқорида номлари зикр этилган тадбиркорлар ҳар ойига 35 мингдан 100 минг сўмгача маош олиб туриш эвазига ушбу маҳсулотларни мунтазам равишда Тошкент шаҳридаги "Карвон" бозорида улгуржи ҳолда сотиб келишган. Ушбу тадбиркорларнинг айтишича, мазкур маҳсулотлар сотувидан тушган кундалик савдо пуллари 1 млн. дан зиёдни ташкил этиб, шундан 300-400 минг сўми назорат касса машинасидан ўтказилиб, банк муассасаларига топширилган. Қолган пуллар эса чет эл фуқаролари томонидан олиниб, "қора бозор"ларда валютага айлантирилгач, республикамиз ташқарисига олиб чиқиб кетилган.

Шунингдек, олинган тезкор маълумотларга асосан А.Икромов туманидаги "Карвон истиқлол мева-сабзавот" ёпиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли омборхонада текшириш ўтказилганида, бу ерда ҳам юртимизга ноқонуний йўллар билан олиб кирилган асосан Хитой, Эрон ва Туркия мамлакатларида ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотлари сақланаётганлиги аниқланди. Бу ерда ҳам Б.Музаффаровга тегишли 21 млн. 730,7 минг сўмлик, К.Ҳасановдан 26 млн. 82 минг сўмлик, Ш.Содиқов ва бошқаларга тегишли бўлган жами 110 млн. 535 минг сўмдан ошиқ импорт маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Мазкур иш юзасидан ўтказилган текширув-суриштирув ишлари жараёнида бу тадбиркорлар харидорларга маҳсулотларни АҚШ долларининг "қора бозор"даги нархига ҳисоблаб сотишганлиги ва савдодан тушган нақд пулларни банк муассасаларига топширмасдан, ўзларининг ҳамкорларига, яъни хориж фуқароларига бериб юборганликларини баён этишган.

Шунингдек, бошқарма ходимлари Россия давлатининг фуқароси Ал Мухаммад Зияд Руфат ўтган йилнинг декабр ойида 6130 АҚШ доллари ва жорий йилнинг феврал ойида 6180 АҚШ доллари миқдоридаги Сурия давлатида ишлаб чиқарилган 2658 та рулон жами 12310 АҚШ доллари миқдоридаги пардалик матоларни республикамиз фуқароси хусусий тадбиркор Неъмат Аҳмедов номига расмийлаштириб, унга товарларни сотиб бериш учун ҳар ойга 100 минг сўмдан хизмат ҳақи ваъда қилиб, қонунсиз савдога чиқариб келганлиги ва жами 1038 рулон Сурия давлатида ишлаб чиқарилган пардалик матолар савдосидан тушган 30 млн. сўмдан ортиқ нақд пулларни АҚШ долларига алмаштириб, олиб чиқиб кетиш мақсадида ўзлаштирган. Ўтказилган тадбир жараёнида қонунбузардан 147 млн. сўмлик пардалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан бугунги кунда суриштирув-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Департамент органлари асосий эътиборни солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини, умуман жамиятимизда солиқ маданиятини юксалтиришга қаратиб, ноқонуний нақд пул айланмаларининг олдини олиш юзасидан кенг қамровли ҳуқуқ тарғибот тадбирларини амалга оширмоқда. Шунингдек, фуқароларга ҳар бир харид қилиб олган маҳсулоти учун сотувчидан назорат касса машинасининг чекини олишга одатланишини, бу ҳолат агарда олинган товарда нуқсон бўлса, уни бошқасига алмаштириб олиши ёки товарга тўланган пулни қайтариб олиши учун асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Аслида қонунлар, қарорлар ва фармонлар умумхалқ манфаатини кўзлаб қабул қилинади. Очиғини айтиш керак, ҳукумат томонидан қабул қилинаётган юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини тўғри тушунадиган бўлсак, бунда авваламбор истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимояси ётади. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини қонун талаблари даражасида олиб бораётган шахслар фаолиятини ҳимоялайди ва уларга имтиёзлар беради.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтмоқчиманки, бундан кейин ҳам Департамент ходимлари томонидан давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, иқтисодиёт ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши аёвсиз кураш олиб бориладеради. Чунки бу кураш кунлик ёки мавсумий эмас.

**Азамат ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаментининг матбуот гуруҳи катта инспектори, 3-даражали юрист**
**Қиёмиддин ТОШМУРОДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси катта инспектори.**



**Жиззах вилояти Бахмал туманидаги "Бер-Ат" агрофирмасига қарашли мева ва сабзавотларни қуритиш заводи соатига уч тонна маҳсулотни қуритиш қувватига эга.**

**СУРАТДА: завод ишчилари Шоира Абдуллаева, Жамила Жабборова ва Нодира Жомуротова.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

## ХОЛМЎМИН БОБОНИНГ КЎПРИГИ

***Ургутда О.Узоқов номли ширкат хўжалигининг Қоратепа қишлоғида истиқомат қилувчи саксон ёшли отахон, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Холмўмин Ҳамроев ҳақида кўпчиликдан илиқ гапларни эшитдик. Холмўмин бобо мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида кампири Ойша ая билан маслаҳатлашиб, савоб ишга қўл урганида юртдошлари қалбида бунчалар ҳурмат топишини ўйламаган бўлса керак.***

Келинг, гапни бир бошидан бошлай қолайлик. Пурвиқор тоғлар бағридан сизиб чиқадиган булоқлардан бошланадиган Севаз, Айриқия, Оқтош, Терсак сойларидан ҳосил бўлган дарё айниқса, баҳор ва куз ойларида тўлиб-тошади, минилмаган айғирдай ўйноқлайди. Унинг бу шўхликлари азал-азалдан икки соҳилда яшовчилар учун бир мунча қийинчиликлар туғдириб келарди. Қўшни Қашқадарё вилоятига ўтиб-қайтувчилар ҳам бу дарё жабрини кўп татишган. Икки томондаги қариндош-уруғ, таниш-билишларнинг бир-биридан узоқ вақт узилишиб қолган пайтлари кўп бўлган. Ҳар йили қайта-қайта таъмирланса-да, эпақага келмайдиган ёлғизоёқ, нобоп кўприкдан ўтишга дарё сокин дамларда ҳам юрак бетламасди.

Отахон ҳажга бориш ниятида ҳалол меҳнат қилиб, узоқ йиллар жамғарган маблағига мустаҳкам кўприк қуришни ният қилди. Туман йўл қурилиш-таъмирлаш идорасидагиларга учрашиб, алоҳида лойиҳа асосида ишга киришди.

Биров хайрли ташаббус билан чиқса, бош қўшувчилар, мададкорлар ҳамиша топилади. Бу гал ҳам ҳеч ким четда қолмади. Фарзандлар, набиралар, маҳалла аҳли, йўл қурувчилар елкама-елка турдилар. Кўп ўтмай узунлиги 40 метрлик улкан, мустаҳкам ва ишончли кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Сир эмаски, тоғлар бағрида, сойликлар ва дараларда бир-биридан узоқда жойлашган қишлоқларни газ, электр, ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш, йўлларни созлаш, кўприклар қуришда ҳали муаммолар анчагина. Шундай бир шароитда Холмўмин бобонинг бу қадар юртсевар, халқпарварлигига тасаннолар айтгинг келади кишининг. Ҳайрият, баҳони ҳамюртларнинг ўзлари бериб қолдилар: бир ғарибнинг кўнглини олиш ҳаж савобидан афзалроқ дейишади. Холмўмин бобо юзлаб ҳамқишлоқларининг мушкулини енгиллатиб, ёшу кексанинг дуосини олдилар. Бундай савоб иш муборак ҳаж сафари билан баробардир, назаримда.

Ўлкамизда баҳор нафаси уфурмоқда. Бу фаслда бобо ўзини йигитлардек бардам сезади. Ана, у киши ҳассасини ишкомга илиб қўйиб, кўчат экаяпти. У кишининг ғайратини кўрган ўша одамлар, ҳашарлардаги елкадошлари ҳам боғроғларга кўчиб чиқишган. Барча янги боғлар яратиш, ободончилик ишлари билан банд.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# АЁЛ ВА ЗАМОН

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази ҳамкорлигида XXI аср аёлининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий мавқеига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.***

Унда дунёнинг барча мамлакатларида инсон ҳақ-ҳуқуқларини реал асосда таъминлаш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб тургани қайд этилди. Ҳатто жаҳоннинг энг демократик давлатларида ҳам инсон ҳуқуқлари у ёки бу даражада поймол этилаётгани кузатиляпти. Бундай салбий ҳолатлар аёллар ва болаларни ҳам четлаб ўтмаяпти.

БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йилда аёлларга нисбатан зўравонлик қилинишига чек қўйиш, уларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида махсус декларация қабул қилиб, дунё жамоатчилигини аёллар ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя этишга даъват этганди.

Ўзбекистонда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан аёллар ҳуқуқлари бўйича Пекин Платформасини амалга ошириш юзасидан Миллий дастур қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Дастурда хотин-қизларимизнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, меҳнатини енгиллаштириш ҳамда турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб қўйилган.

Аёллар сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ва тижорат-тадбиркорлик соҳаларида ўз қобилияти ҳамда имкониятларини тўла намоён этиш ҳуқуқига эга. Улар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилмоқда.

Анжуманда «Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича халқаро инструментлар», «Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий портрети», «Аёллар тадбиркорлиги» каби қизиқарли маърузалар тингланиб, баҳс-мунозаралар олиб борилди.

**О.Норбеков,**
**ЎзА мухбири.**

(Боши 1-бетда)

-Мазкур Фармон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги иш фаолиятига катта янгилик олиб киради, - **деди вазир ўринбосари Абдувоҳид ЖЎРАЕВ давра суҳбатида.** – Аввало, мазкур ҳужжатда айтилганидек, энди соҳа кўрсатма бериш, ё топшириқлар асосида эмас, шартнома устуворлиги асосида бошқарилади. Ким кўп маҳсулот етиштирса, марҳамат, фойдасини олсин, ривожлансин. Дангасалар эса ердан ҳам, фойдадан ҳам маҳрум бўлади. Энди экинни фалон пайтда эк, суғор, парваришла, деган гаплар ҳам барҳам топади. Аслида бозор иқтисодиёти шароитида бундай дейишнинг ўзи ортиқча. Асосий қўлланма шартноманинг ўзидир.

**- Фармонда Кенгашлар тузилиши ва уларнинг иш йўналишлари белгилаб берилган. Бу вазирлик иш тизимини нечоғлик ўзгартиради?**

**Абдувоҳид ЖЎРАЕВ:** - Аввало, кенгашлар тузилиши вазирликда Фармон туфайли қилинаётган энг катта ўзгаришлардан биридир. Буйруқбозлик, тақсимотчилик энди кетмайди. Вазирлик ўзагини кенгашлар, унинг ишчи органлари ташкил этади. Чунки кенгашлар жамоатчилик асосида ишлайди ва уларнинг хулосаси асосида вазирлик ҳайъати қарорлари чиқарилади. Еттита кенгаш ташкил этилмоқда. Биз уларга энг кучли мутахассислару олимларни жалб этаяпмиз. Келгусида кенгашлар жамоатчилик асосида иш юритиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, фермерларга керакли маслаҳатларни беради. Кенгашларнинг вазифаси даладаги камчиликни топиб кимгадир танбеҳ бериш эмас, балки жўяли, илмий тавсиялар орқали маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришдан иборат бўлади. Шу боис бугун қишлоқ хўжалиги тизимидаги амалда бўлган барча меъёрий ҳужжатлар яна бир марта кўздан кечирилмоқда. Ширкат ва фермер хўжаликларининг намунавий низомлари қайта тайёрланиб, иқтисодий таҳлилдан ўтказиляпти. Эътиборли томони шундаки, мазкур ҳужжат қишлоқ хўжалиги тизимида янги тарихий даврни бошлаб беради. Янгича фикрлаш, янгича қарашлар асосида мутлақо ўзгача - талаб ва эҳтиёжга, имкониятга қараб ишлаш... Ташаббускорлик, интилиш энди ўз соҳибига фақат фойда келтиради. Оддий қилиб айтганда, мазкур Фармон тизимдаги иқтисодий ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқади.

**Турғунбой БОТИРОВ – Чиноз туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалиги раҳбари:**

-Биз шу пайтгача етиштирилган маҳсулотни ўзимиз тасарруф қилиш эркинлигига эга эмас эдик. Фармонда худди шу ҳолат аниқ акс этганлиги мени хурсанд қилди. Чунки кечагина нега ерни тайёрламадинг, нега чигит экмаяпсан, деб юқоридан дағдаға қилишар, ҳеч ким шартномани ўйламасди. Далани тайёрлаш, техникани созлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун эҳтиёт қисмлар бўлиши, таъминотчи ташкилотлар шартномани бажариши керак. Ёнилғи етишмаса, ўғит вақтида келмаса экинни яшнатиб бўладими? Бусиз мўл ҳосил олиш тўғрисида ўйлашнинг ўзи ортиқча. Мен ҳеч нарсани билмайман, қандай қилиб эксанг эк, ёнилғини ўзинг топ, дейиш билан иш битадими? Албатта, йўқ. Ҳозир ҳам муаммолар етарли. Баъзи жойларда чигит экиб бўлинди. Аммо ижарачи транш орқали иш ҳақини тўлиқ ололмаяпти. Тайёрлов корхонаси билан тузилган шартномалар ижроси ҳам қониқарли даражада эмас. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан олинган даромаднинг 30-35 фоизи иш ҳақига ажратилади. Транш маблағларида бу масала инобатга олинмаяпти. Фармонда эса режалаштириш бурунгидек юқоридан пастга эмас, балки пастдан юқорига қараб белгиланиши кўрсатилган. Бу жуда тўғри белгиланган. Агар деҳқон яхши фойда кўрса, молиявий ташкилотлар, таъминотчилар уни алдамаса, у пахтани ҳам, ғаллани ҳам албатта экади.

**Рустам ЎТАБОЕВ – Арнасой туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари:**

-Тўғри айтасиз, бизнинг Арнасойда, чўл шароитида томорқага ҳам ерёнғоқ экмай қўйишди. Томорқачилар ҳам ҳозир ғаллага ўтишган. Чунки ўтган йили ортиқчасини ўзлари олишди-да. Агар пахта ҳам зўр даромад берса, мен шунча ерга чигит экмоқчиман, деб деҳқоннинг ўзи таклиф беради. Масалан, мен ўтган йили даламнинг 84 гектарига ғалла, 18 гектарига пахта экдим. Шартномаларни ортиғи билан уддаладим. Соф фойда 10 миллион сўмдан ошди. Қолаверса, фермер бўлиб иккита енгил автомашина олдим, тракторли бўлдим. Мустақил хўжалик юритишнинг хосияти-да бу. Умуман олганда, Фармон амалга ошгач қишлоқ одамларининг ерга, мулкка бўлган эътибори мутлақо янгича тарзда ўзгаради. Айниқса фермерларнинг. Чунки илгари фермер тайёрлов ташкилоти билан тўғридан-тўғри шартнома тузолмасди. Экин экиб ҳосил етиштирган уни тайёрлов ташкилотига воситачи орқали топширган фермер кўзланганидек манфаат кўролмас эди. Ёки фермернинг топган маблағига маҳаллий ҳокимликларнинг эгалик қилишини айтмайсизми? Бу жойга пул кўчир, бу ёққа бер, хуллас, мингта гап... Фармон бундай муаммоларга чек қўяди, деб ўйлайман.

**Асадулло БЕРДИМУРОДОВ – Шароф Рашидов туманидаги Абдулла Қодирий номли фермер хўжалигининг соҳиби:**

- Сиз яхши масалани айтдингиз, Рустам ака. Очиғини айтганда, шу пайтгача фермерларни ҳокимликка чақириб, шартнома туздиришарди. Шунча пахта, шунча ғалла экасан дейишардию, муаммони айтсангиз ҳеч ким эшитмасди. Таъминотчининг орқасидан югуриб, ялиниб юрардик. Фармонни ўқиб чиққач, жуда хурсанд бўлдим. Бундай иллатлар энди барҳам топади. Фермер хўжаликларининг паст рентабелли, иқтисоди ночор хўжаликлар ўрнида ташкил этилиши ҳам айни муддао. Чунки бундай хўжаликларни сақлаб туриш одамларга ҳам, давлатга ҳам зиён. Фермерларнинг ташаббускорлигидан унумли фойдаланилса, ер ўнгланади. Масалан, менинг ихтиёримда бўлган ер илгари гектар бошига 8 центнер ҳам пахта бермасди. Ўтган йил ҳосилдорлик 25 центнердан ошди. Агар ёнилғи, ўғит ва иш ҳақи учун ажратилган маблағ етишмаслиги бизни қийнамаганда бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришган бўлардик. Фармонда фермер хўжалигининг ери ширкат хўжалиги балансидан чиқарилиши ёзиб қўйилган. Бу қишлоққа жуда катта ўзгариш олиб киради. Нега? Чунки ер ўз ихтиёрига ўтгач, фермер даласининг атрофидаги дарахтларга ҳам, кўчаю ирригация тармоқларига ҳам эътибор билан қарайди. Ободончилик билан ҳам шуғулланади. Менинг мулким, деб ҳисоблайди у. Ернинг 50 йил муддатга берилиши ҳам ўринли қайд этилган. Бу йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб боришга хизмат қилади, албатта.

# ДЕҲҚОНГА ЭРКИНЛИК, РАҲБАРГА МАСЪУЛИЯТ

**Рустам ЎТАБОЕВ:** - Фармоннинг 9-бандида шартномаларнинг ўзагида ишлаб чиқарувчи туриши алоҳида қайд этилган. Бу жуда муҳим. Ва яна шу бандда "Шартномавий муносабатларнинг мазмуни ва моҳиятини бош вазифа – асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етиштириш вазифасига эришишга бўйсундириш" дейилган. Жуда ўринли бу. Чунки кам харажат қилиниб кўп ҳосил олинсагина фойда кўриш мумкин. Бой бўлишнинг асосий қоидаси шу. Яна бир гап. Ҳозир ери беш-ўн гектар бўлган айрим фермерлар бироз қийналяпти. Чунки баъзиларининг техникаси йўқ, ўғит ва бошқа нарсаларни олишга қурби келмайди. Оз ернинг фойдаси ҳам ўзига яраша, янги техника олай деса пули йўқ, кредит олай деса имкониятининг **ти пастлигидан банк** ҳам таваккал қилмайди. Фармонда бундай фермерлар манфаати ҳам кўзда тутилган. Фермер хўжаликлари Фармоннинг бешинчи бандида кўрсатилганидек, кейинчалик турли шаклдаги кооперативларга бирлашишлари мумкин. Демак, фермерлар ўзаро уч-тўрт нафар бўлиб ихтиёрий ҳамкорлик тузиб, хизмат турларини ташкил этишларига имконият бор. Бу ҳам Фармондаги устувор жиҳатларнинг биридир.

**- Фармонда фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан, оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномаларига асосланади дейилган. Сиз буни қандай амалга оширмоқчисиз?**

**Рустам ЎТАБОЕВ:** - Жуда тўғри ёзилган. Айниқса, ёлланма ишчи масаласида. Ўртада ички шарт**нома** бўлса кимнинг қандай меҳнат қилгани аён бўлади. Бу оила аъзоларига ҳам тааллуқли. Чунки бир оилада айтайлик беш ўғил бўлса, ҳар бирининг характери ҳар хил, бири ғайратли, бири сояпарвар. Ўртада келинлар бор... Ортиқча ғалва бўлмаслиги учун шартнома зарур.

**Асадулло БЕРДИМУРОДОВ** – Шундай қилинса меҳнат дафтарчаси ҳам ишлайди. Маош, солиқ ва бошқа тўловларни ҳисоблаш ҳам тўғри юритилади. Ишловчини камайтириб кўрсатиш "касаллиги" ҳам йўқолади. Очиғини айтганда эса киши қоғозга имзо чекиб ишни бошласа, нима иш қилаяптию, қанча наф кўради, шуни англаса масъулиятли бўлади.

**Расулмат ҲУСАНОВ – Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтининг бош директори:**

- Фармон деҳқонга катта эркинлик бераяпти. Шу билан бирга масъулият ҳам юклаяпти. Ориятли деҳқон ҳамиша ердан кўпроқ ҳосил кўтарсам, юртни ҳам, ўзимни ҳам бойитсам деб ният қилади. Шунга интилади ҳам. Юқоридан белгиланмаса, деҳқон пахта экмасмикан, деган хавотирларга ўрин йўқ. Буни кўпчилик фермерлар билан гурунглашсангиз ўзингиз сезасиз. Деҳқонни зўр фойда келтирадиган экин қизиқтиради. Пахтани етиштирса-ю, тола пулини, иккиламчи маҳсулотларни ўз вақтида олса, деҳқон нега шу экинни экмаслиги керак? Демак, ҳамма гап манфаатдорликда. Айниқса, Фармонга кўра кенгашлар тузилаётгани, унга соҳани чуқур биладиган мутахассислар ва олимларнинг жалб этилаётгани жуда муҳим. Чунки энг мақбул маслаҳат, ўз ўрнида айтилган таклиф деҳқонга катта наф келтиради. Шу сабабли биз Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда астойдил ишлаяпмиз.

Давра суҳбати якунида Президентимизнинг мазкур Фармони асосида тайёрланажак меъёрий ҳужжатларни нафақат мутасаддилар ва олимлар, балки ширкат хўжалиги раҳбарлари ва фермерлар эътиборидан ўтказиб олиш мувофиқлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

**Давра суҳбатини "Қишлоқ ҳаёти" мухбири Абдунаби АЛИҚУЛОВ ёзиб олди.**

***Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "Миришкор" сўзига қуйидагича таъриф берилган: "Ўз ишининг моҳир устаси, тажрибакор, омилкор".***

Ҳаётда ҳам айнан шундай. Бирон-бир соҳада катта тажриба тўплаган, ўз ишини дилдан, севиб бажарувчи ва унинг омилкори бўлиб кетган инсонлар миришкор, дея эъзозланадилар. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида халқ хўжалигининг турли жабҳаларида, хусусан, деҳқончилик соҳасида ҳам асл миришкор кишилар кўп.

# ШОФИРКОНЛИК МИРИШКОРЛАР

ИНТИЛИШ

Бундай инсонлар ҳақида гап очилганида ҳеч шубҳасиз, ўттиз йилдан ортиқ даврдан бери деҳқончиликда суяги қотиб, касбдошлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозониб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамони Азимжон Латиповнинг номи биринчилар қаторида тилга олинади. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда ўзини кўрсатган, кейинчалик фақат Шофиркон туманида эмас, балки Бухоро вилоятида ғаллачилик соҳасида катта тажриба мактабини яратган Азимжон ака ҳозирги пайтда "Бухоро" ширкат хўжалигига моҳирлик билан раҳбарлик қилаяпти. 2002 йилда ана шу хўжалик ғаллакорлари 70 центнердан ошириб хирмон кўтарганликлари, доннинг асосий қисми уруғликка топширилганлиги катта даромад келтирди. Шунинг ҳисобидан бир сўмлик пай улушига 2 сўм 62 тийиндан маҳсулот ҳолида ҳақ тўланганлиги ширкат аъзоларининг манфаатдорлигини оширди. Айниқса, Иброҳим Яхшиев, Патиддин Худойбердиев сингари уруғчилик билан шуғулланадиган пудратчилар ҳосилдорликни 80-90 центнерга етказишганлиги қувончли бўлди. Буларнинг барчаси йил якунида қўшимча равишда 2 миллион 800 минг сўм миқдорида пул мукофоти берилишига имконият яратди.

Тажрибали мутахассис ва ташкилотчи Нажмиддин Саидов етакчилик қилаётган Бобур номли ширкат аъзолари ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар. Чунончи, бу хўжалик 2002 йилда 941 гектар пахта майдонидан 35 центнердан ҳосил саранжомлаб олганлиги туфайли иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди.

-Туманимизда тадбиркорлик ҳаракатига алоҳида эътибор берилмоқда, - дейди деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Шофиркон туман вакиллиги раҳбари Жўрабой Жамилов. – Ҳозирги пайтда деҳқон ва фермер хўжаликлари сони 470 тадан ошиб кетди. "Ҳамро полвон", "Пўлат бобо", "Амиржон", "Иброҳим бобо" фермер хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик соҳаларида дуруст натижаларга эришмоқдалар. "Иброҳим бобо" фермер хўжалиги раҳбари Исомиддин Пиров, фермер Барот Рустамов ва бошқалар ўтган йили эришган натижаларни бу йил янада мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

**Р.ТОЖИЕВА**

Ўрта Чирчиқ туманидаги 17-мактаб томонидан 1971 йил 27 апрелда Мамаджанов Одил Нурмаджанович номига берилган Д № 456383 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимининг 2003 йил 21 январдаги 70-сон қарори билан давлат рўйхатига олиниб, № 1107899 рақам билан Зияханов Рустам Акмалович номига берилган чакана савдо билан шуғулланишга рухсат этувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани "Машинасозлар" автостанцияси Элбек кўчасида жойлашган магазин ер майдони учун берилган № 4-54/2002 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Педиатрия медицина институти томонидан 2000 йили № 3807 қайд этиш рақами билан Умуров Оллоберди Рўзибоевич номига берилган № 268706 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2-Олимпия резервлари билим юрти томонидан 1994 йили Мирзаев Абдурасул Рашидович номига берилган А№508293 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Go'zal dunyo" ("Kurash impeks") шўъба корхонаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тед: 75-51-31.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан якка тартибдаги тадбиркор Пулатов Одилжон Акбарджанович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## "ЎЗМЕВАСАБЗАВОТИМПЭКС" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**2002 молиявий йил натижалари бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 2003 йил 5 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси 16-а уйда ўтказилишини маълум қилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1.Молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот, 2002 йил учун йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш ва 2003 йилдаги вазифалар;
2.Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи;
3.Аудит текшируви хулосасини тасдиқлаш;
4.Дивиденд тўловлари;
5.2003 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш;
6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги № ПФ-3202 сонли фармони талаблари асосида жамият фаолиятини шакллантириш;
7.Турли хил масалалар.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

"ЎЗМЕВАСАБЗАВОТИМПЭКС" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2002 ЙИЛ БАЛАНСИ

**(минг сўм ҳисобида)**

| Кўрсаткичлар номи | Актив |
|---|---|
| Асосий воситалар | 21804 |
| Шўъба хўжалик жамиятларидаги акциялар | 2634 |
| Узоқ муддатли активлар жами | 24438 |
| Ишлаб чиқариш захиралари | 5199 |
| Тайёр маҳсулот | 1717 |
| Товарлар | 4929 |
| Келгуси давр сарфлари | 2376 |
| Бошқа айланма активлар | 93442 |
| Баланс активи бўйича жами | 156539 |

| Кўрсаткичлар номи | Пассив |
|---|---|
| Устав фонди | 6000 |
| Резерв капитали | 3320 |
| Тақсимланмаган фойда | 7426 |
| Ўз маблағларининг бошқа манбалари | 94079 |
| Қисқа муддатли қарзлар | 7072 |
| Бошқа мажбуриятлар | 38642 |
| Баланс пассиви бўйича жами | 156539 |

**Ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 31 мартда берилган АФ-00022 сонли лицензиясига эга бўлган "Ишонч" аудит-маслаҳат фирмаси томонидан тасдиқланган.**

## "ЮНУСОБОД УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Жамият акциядорларининг 2003 йил 4 мартда ўтказилган навбатдаги 2002 йил натижаларига бағишланган умумий мажлиси қуйидагича қарор қабул қилди:**

**1.Жамиятнинг 2002 йил дастури бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.**

**2.Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.**

**3.Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Тафтиш комиссияси текшируви ҳисоботи тасдиқлансин.**

**4.Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.**

**5.Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби тасдиқлансин:**

Режадаги соф фойда – 63493,1 минг сўм.
Амалда олинган соф фойда – 80152,4 минг сўм.
Биринчи ярим йиллик соф фойда – 32241,3 сўм.
**Шундан қолган сумма.**
Иккинчи ярим йилликда режадаги соф фойда – 36080,6 минг сўм.
Режадан ортиқча олинган соф фойда – 11830,5 минг сўм.
Шундан, бошқарув раиси шартнома асосида 40% - 4732,2 минг сўм.
Тақсимлаш учун қолган қолдиқ - 43178,9 минг сўм.

**Шундан:**

Жамиятнинг захира фондига 5% - 2158,9 минг сўм.
* *Жамиятнинг ривожланиш фондига 5% - 2158,9 минг сўм;* * *Акциядорларга дивиденд тўлашга 90% - 38861,0 минг сўм.*

Ҳар бир акцияга 580 сўмдан дивиденд ҳисоблансин. Дивидендлар 60 кун ичида берилсин.

**6.Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси қуйидагича тасдиқлансин:**

* *Жами даромадлар - 485960,0 минг сўм;*
* *Асосий харажатлар – 157020,0 минг сўм;*
* *Жами харажатлар – 408063,0 минг сўм;*
* *Соф фойда – 77897,0 минг сўм;*

**7.Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб "Грант-Аудит" аудиторлик фирмаси тасдиқлансин.**
**8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибидан Л.Ф.Сагдуллаев, М.Э.Матниязова чиқарилиб, Кузатув Кенгашига қуйидаги шахслар киритилсин: Д.Т.Одилов, Б.Исроилов.**
**9.Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритилсин. Тафтиш комиссияси аъзолигига Ш.М.Джалилов киритилсин.**
**10.Жамият бошқаруви раиси Р.Б.Пўлатовнинг меҳнат шартномаси муддати узайтирилиб, 1 йил муддатга қайта сайлансин.**
**11.Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган Бизнес плани тасдиқлансин.**
**12.Жамиятнинг Низомига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқлансин.**

Жамият акциядорлари реестри 2003 йил 2 феврал ҳолатига тузилган.

**Дивидендлар Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, "Юнусобод Универсал бозори" Очиқ Акциядорлик Жамияти манзили бўйича берилмоқда.**

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 121-67-79.

"Юнусобод Универсал бозори" *ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ*

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## БАҒДОД УЧУН ЖАНГЛАР

***АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлигининг бошлиғи, генерал Томми Фрэнкс Бағдодга ҳужум бошлаш ҳақида Пентагон ташкилотидан рухсат олганидан сўнг, иттифоқчилар Ироқ пойтахти томон ҳаракатлана бошлаганлар.***



Айни пайтда АҚШнинг 3-механизациялашган дивизияси Ироқ республика гвардиясининг анчагина қудратли саналган "Мадина" ва "Бағдод" дивизияларига қарши уруш олиб бормоқда. 60 километр кенгликда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар АҚШ марказий қўмондонлиги томонидан анчагина катта операция, дея айтилмоқда. Бундан аввалроқ эса Бағдод иттифоқчиларнинг ҳаво кучлари бомбардимонига йўлиққан. Ва ҳужумлар вақтида Тигр дарёси қирғоғидаги президент саройи ҳам жиддий талафот кўрган. Ҳозирда Бағдод атрофидаги Кербала, Хилла каби шаҳарларда жиддий тўқнашувлар давом этмоқда.

## МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ЁРДАМ БЕРМОҚДА

***Умм-Қасрда ўз ихтиёри билан икки нафар ироқлик террорчи-камикадзелар британиялик ҳарбийларга таслим бўлганлар.***



Қироллик денгиз пиёдаларига қўмондонлик қилаётган Стив Кокснинг айтишича, улар иттифоқчи кучларга қарши ҳуруж қилишга мажбур этилганлар, лекин улар буни бажаришни хоҳламаганлар. Ҳозирда асирлар сўроқ қилинмоқдалар.

Бундан ташқари, Кокс маҳаллий кишилар иттифоқчиларга Баас партиясининг юқори мартабали аъзолари жойлашган ҳудудларни топишда ёрдам бераётганлигини айтган. Ҳозирга қадар мазкур партиянинг 35 аъзоси қўлга олинган. Бугун Умм-Қаср тўла иттифоқчилар назоратига ўтган бўлиб, шаҳар порти орқали Ироқ халқига четдан инсонпарварлик ёрдамлари олиб келинмоқда.

## НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК ҚУРБОНЛАРИ

***Канада соғлиқни сақлаш департаментининг маълум қилишича, мамлакатнинг яна икки нафар фуқароси номаълум юқумли касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмган ва бу касалликнинг Оттавадаги қурбонлари 6 кишига етган.***



Жанубий-Шарқий Осиёда пайдо бўлган ва бугун бутун дунёга тарқала бошлаган мазкур хасталик боис, ҳозирга қадар умумий миқдорда 64 киши ҳалок бўлган ва 1804 киши зарарланган. Вазият Хитойнинг Гуандон вилоятида ўта кескин бўлиб, қурбонларнинг 34 нафари шу вилоят аҳолиси саналади. Унга қўшни бўлган Гонконгда ҳам аҳвол оғирлиги боис, касаллик аломати аниқланган кишилар яшовчи кўп қаватли уй карантин ҳолатига келтирилган. Ва бу уйда истиқомат қилувчиларнинг ташқарига чиқишлари ман этилиб, уларга озиқ-овқат ҳамда бошқа зарурий нарсалар етказиб берилаяпти.

Америкада эса Токиодан Сан Хосе шаҳри аэропортига учиб келган самолёт карантин ҳолатига келтирилди. Чунки унда учиб келган йўловчиларнинг бир нечтасида номаълум касаллик аломатлари аниқланган. Ҳозирча 125 нафар йўловчи ва 14 кишилик экипаж карантинда сақланмоқда.

## САМОЛЁТ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

***"Ассошиэйтед-Пресс" агентлигининг хабар беришича, Куба авиакомпаниясига қарашли "Ан-24" самолётини гаровга олган жиноятчи ФБР томонидан ҳибсга олинди.***



Ўтган куни Кубанинг Юности оролидан парвоз қилган самолётни орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, йўловчилардан бири гаровга олган ва иккита граната билан экипаж аъзоларини қўрқитиб, уларни Америкага учишга мажбур қилган. Самолёт Флориданинг Ки-Уэст шаҳри аэропортига келиб қўнгач, жиноятчи ўзи билан бир кичик болани кўтариб олиб чиқиб, уни ерга қўйганидан сўнг, қўлга олинган. Афтидан улар ота-бола бўлишлари мумкин. Негаки, самолёт ўғриси болани ерга қўйган вақтда, бола унинг оёқларига ёпишиб олган. "Ан-24" бортида келган 25 йўловчи ва 7 нафар экипаж аъзолари иммиграция қонунига мувофиқ АҚШда қолишлари ва бир йилдан сўнг эса мазкур давлат фуқаролигини талаб қилишлари мумкин.

## 3 МИНГ КИШИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

***"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, собиқ Югославия армияси штабининг бошлиғи, генерал-полковник Небойша Павкович ҳибсга олинди.***



Генерал-полковник 12 март куни Сербия бош вазири Зоран Жинжичга қарши уюштирилган суиқасд иштирокчиларини топиш учун серб полицияси томонидан ўтказилган махсус операция доирасида ушланган.

Ҳозирга қадар Жинжич ўлимида айбланаётган Болқон минтақасида энг катта жиноий тўда саналган "Земун гуруҳи"ни тугатиш мақсадида 3 мингга яқин киши қўлга олинган. Белград оммавий ахборот воситаларининг билдиришича, Небойша Павкович билан бирга божхона қўмитасининг собиқ раҳбари Михаль Кертеш ҳамда сўл партия етакчиларидан ҳисобланган Иван Марковичлар қамоқхонага юборилганлар.

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ЯНГИЧА НОМЛАНИШ

***Туркманистон президенти Сапармурод Ниёзов мамлакат қуролли кучларидаги ҳарбий унвонларнинг янги тизимини ишлаб чиқишга буйруқ берди.***



Авваллари туркманларда кучли, ботир, мулоҳазали қўмондонлар бўлганлигини эсга олган президентнинг фикрича, янги тизим миллий анъаналарга мос бўлиши керак. Эндиликда 10 нафар ҳарбийга ўн боши, юз кишига юзбоши, минг кишига мингбошилар раҳбарлик қиладилар. Республика қуролли кучларига эса гошунбоши қўмондонлик қилади. Туркманбошининг наздида, янги номланишлар тизимда фаолият кўрсатувчиларнинг янада масъулиятлироқ бўлишларига хизмат қилади.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

